
Маҳаллалардаги таъмирталаб ички кўчалар шағаллаштирилмоқда
Ўзбекистон туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, бу орқали эса аҳолига қулайлик яратиш тадбирлари давом этмоқда. Туман ҳокимлиги ва сектор ишчи гурӯҳлари ташаббуси билан ҳудудларда ободонлаштириш ва ички йўллар ҳолатини яхшилаш тадбирлари олиб борилмоқда.

Хусусан, шу кунларда Шўрқишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Навбаҳор” кўчасининг 600 метрга яқин ана шундай таъмирталаб ички йўллари туман Ободонлаштириш бошқармаси ва йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси кўмагида шағаллаштирилди.

Ички йўлларни шағаллаштириш тадбирлари маҳаллалар кесимида давом этиши белгиланган.

2024-10-28 15:58:56